


Амир Темур таваллудининг 690 йиллиги олдидан

ТАРИХНИ ИРИЛТИРГАН АРЖИМА

Алихонтўра Соғуний ва
«Темур тузуклари» тақдири

ТАЪСИРЧАН МЕХАНИЗМ

ахборот технологиялари
соҳасида нодавлат
таълим муассалари билан
ўзаро ҳамкорликнинг
самараси



ЖАММИЯТ

№ 6 (976)
2026 йил
20 март,
Жума

Ижтимоий-сиёсий, экологик газета

2006 йил 31 августдан чоп этила бошлади

ОБ-ҲАВО ДАРАКЧИЛАРИ



БЎСТОНЛИҚ ТУМАНИДА

«ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ БОҒИ»

БАРПО ЭТИЛДИ

БАХШИ — ҲОФИЗ

Ватан

«КЎРГУЛИКЛАРГА
ЎЗИМ
САБАБЧИМАН...»





ОБ-ҲАВО

ДАРАКЧИЛАРИ

Халқлар, хусусан, кўпроқ вақтини очик ҳавода ўтказувчи деҳқон ва чорвадорлар, боғбонлар қадим замонлардаёқ табиатда бўладиган ҳодисаларни кузатиб, об-ҳавонинг қандай бўлишини, ёмғирларни олдиндан билишга ва шунга қараб иш тутишга ўрганганлар.



Об-ҳавони олдиндан айтиш аломатларини яхши билганларни халқ «хисобдонлар» деб аташган. Бу тажрибалар авлоддан авлодга ўтиб, мукаммаллашиб, кейинчалик кузатишлар натижасида тасдиқланиб борган. Эртага ёмғир ёғиши, ҳавонинг иссиқ-совуқ бўлишини осмон жисмлари – Қуёш ва Ой, юлдузларнинг ҳолатига, атмосферада рўй берадиган турли ҳодисаларга, ўсимликлардаги ва инсондаги баъзи ўзгаришларга қараб билиш мумкин. Атмосферада содир бўладиган, аммо метеорология асбоблари қайд қилолмайдиган ўзгаришларни айрим ўсимликлар, жониворлар ҳамда инсон сеза олади. Масалан, суяк, бўғин, юрак-қон томирлари хасталиклари билан оғриган беморлар об-ҳавонинг кескин ўзгаришини олдиндан сезади. Бу кузатишлар асосида айрим мақоллар ҳам яратилган: Ой чалқанча тугса, ой бўйи аёз. Ой ўтовласа, ойлик ғамингни е, кун ўтовласа, кунлик ғамингни е. Эрталабки туман очар, кечки туман ёғар. Қарға кетмай қор кетмас, турна келмай муз кетмас...

Ёмғирларни нафақат инсон, балки бутун борлиқ – ўсимликлар, дарахтлар ёктиришади улар, ёмғир ёғишини олдиндан билиб кутишади. Ботаникларнинг ҳисобига кўра, ер юзида об-ҳавони олдиндан айтиб берадиган ўсимликларнинг 400 га яқин тури мавжуд. Баҳорнинг илк кунларидаёқ боғларни, ариқ жиякларини қоқигуллар қоплайди. Тилларанг қоқигул ёмғир ёғиши олдиндан гулбарглари гулқосасига йиғиб яшириниб олади, ёмғир тиниши олдиндан эса яна очилиб яшнаб кетади. Тоғларда учкат номли ўсимлик ўсади. Учкатнинг гули ёмғир олдиндан кучли ёқимли ҳид таратади, қурғоқчилик олдиндан бутунлай ҳидини йўқотади. Ёмғир олдиндан акациянинг сариқ гулида уруғчалар четга сурилиб, ўртада (марказий қисмида) ялтироқ «асал» томчиси пайдо бўлади. Асал ҳиди кўплаб ариларни ўзига жалб этади. Арилар ғужғони эса ёғингарчиликдан дарак беради.

Ирода ОРИФЖОНОВА

Самарқанд давлат педагогика институти ўқитувчиси

ЕРОСТИ ЧИҚИНДИ САҚЛАШ МАЖМУАСИ

Наманган шаҳрида ерости чиқинди сақлаш мажмуаси барпо этилмоқда.

Мазкур мажмуа “Оби ҳаёт” маҳалласининг 24/7 тартибида ишлаш учун қайта қурилатган кўчасига жойлаштирилмоқда. Бу ерда ҳар бири 500 килограмм сифимга эга 6 та чиқинди контейнерларини ер остига ўрнатиш мақсад қилинган. Ҳозиргача қурилмаларнинг учтаси тайёр бўлди.

Вилоят ҳокими Шавкат Абдураззоқов инновацион объект билан танишиш жараёнида креатив ёндашувни маъқуллаб, бундай масканлар сонини кўпайтириш кераклигини таъкидлади.

Ерости чиқинди сақлаш мажмуаси 3 тоннагача чиқиндини жамлаш имкониятига эга. Йирик ҳажмдаги қутилар тўлиши билан махсус қурилма автоматик тарзда сигнал юборади ва чиқиндилар махсус машинада белгиланган полигонга олиб кетилади. Бундай мажмуаларни Янги Наманган ва Давлатобод туманларига ҳам ўрнатиш режалаштирилган.

Бўстонлиқ туманида «ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ БОҒИ» БАРПО ЭТИЛДИ

Наврўз байрами арафасида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида “Юрт ободлиги, аввало, маҳалладан бошланади” шиори остида умумхалқ хайрия ҳашарлари ўтказилди.

Баҳор нафаси кириб келиши билан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ҳудудларни ободонлаштириш ва яшил майдонларни кенгайтириш мақсадида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси ҳам қизғин давом этмоқда.

Бўстонлиқ туманининг Ғазалкент маҳалласи ҳудудида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида “Вазирлар маҳкамаси боғи” ташкил этилди. Маҳалла ҳудудида ажратилган 50 сотих ер майдони тозалаб тайёрланиб, 320 туп манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди.


Кўчат экиш тадбирида Ўзбекистон Республикаси бош вазири Абдулла Арипов, Экология қўмитаси ҳузуридаги Ўрмон агентлиги директори Эркин Муҳиддинов, Бўстонлиқ тумани ҳокими Жўрабек Аҳмедов, Вазирлар маҳкамаси масъуллари, Ўрмон агентлиги ва туман ҳокимлиги вакиллари иштирок этди.

Кўкаламзорлаштириш ишларига махсус техникалар жалб қилинди. Шу куни ҳудудга эман, шумтол, садақайрағоч, клён каби манзарали дарахт кўчатлари экилди.





Ахборот технологиялари соҳаси зоманавий давлат ривожланишида муҳим ўрин тутди. Улар иқтисодиёт, жамият ва бошқарувнинг барча йўналишларига таъсир кўрсатиб, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, маълумот алмашиш жараёнини тезлаштириш ва иқтисодий ўсиш учун янги имкониятларни яратиш мақсадларига хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир.



ТАЪСИРЧАН МЕХАНИЗМ

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ СОҲАСИДА НОДАВЛАТ ТАЪЛИМ МУАСССАЛАРИ БИЛАН ЎЗАРО ҲАМКОРЛИКНИНГ САМАРАСИ

Унинг юқори суръатдаги таъриққети, мамлакатимизнинг глобал дунёга тизимли равишда трансформациялашиб бориши, биринчи навбатда, мамлакат ёшлари ва уларнинг ижтимоийлашуви билан муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу билан бирга, ёшларнинг илмий ва ижодий салоҳиятини ошириши, уларнинг ўз интеллектуал билимини намоён қилиши, аналитик фикрлаши, иқтидори ва ижтимоий мослашуви учун зарур шароитлар яратиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, БАА билан ҳамкорликда 2019 йилда бошланган ташаббус – “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида икки миллиондан ортиқ ёшларимиз билим ва кўникмаларини оширди. “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали бу борада 100 га яқин ёшларимиз дунёнинг энг нуфузли университетларида таҳсил олмақда.

Президентимиз ўтган йили Халқаро конгресс марказида сунъий интеллект бўйича халқаро форумнинг тантанали очилиш маросимида 2030 йилга қадар фақат АТ хизматлари экспортини 5 миллиард долларга етказиш, соҳада етишиб чиқадиган миллионлаб ёшлар учун юқори даромадли иш ўринларини яратиш бўйича катта марралар олингани таъкидлаганди.

Давлатимиз раҳбари қайд этганидек, ҳозирги тез ўзгараётган замонда барча соҳаларга ахборот технологияларини билан кадрлар сув ва ҳаводек зарур. Бу соҳадаги хизматлар ҳам, экспорт ҳам айнан

малакали мутахассисларга боғлиқ. Шу боис, ИТ мутахассисларини тайёрлаш учун зарур инфратузилма босқичма-босқич кенгайтирилмоқда ва такомиллаштирилаяпти.

Шу боис, ушбу соҳани жадал ривожлантириш мақсадида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ахборот технологиялари бўйича мулоқот ва ишлаб чиқилаётган стратегиялар давлатимиз раҳбарининг доимий назоратида бўлгани учун ҳам йўналишдаги натижалар жадаллик билан ўсиб бормоқда.

Қайд этиш керакки, ёшларни мазкур соҳани ҳақиқий билимдони этиб тайёрлашда давлат ташкилотлари билан бир қаторда, нодавлат ташкилотларининг ҳам салмоқли ўрни борлиги қувонарли ҳол. Мазкур соҳага ихтисослашган нодавлат таълим муассасалари рақамли технологиялар соҳасида малакали мутахассисларни тайёрлаш, уларнинг хорижий тилларни билиш кўникмаларини ошириш ва рағбатлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Бу борда Президентимизнинг 2024 йилда 12 февралдаги “Халқаро ИТ-сертификатларга эга бўлган ёш мутахассисларни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори муҳим аҳамият касб этмоқда.

Хужжат ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган “Тошкент таълим академияси” фаолиятига ҳам қарийб уч йил бўлди. Мазкур қарор соҳага қизиқувчи ёшларимиз учун жуда катта имкониятлар эши-

гини очди. Жумладан, хужжатга кўра халқаро ИТ-сертификатларга эга ёшларнинг ўқиш ҳамда ушбу сертификатларни олиш харажатларининг 60 фоизгача бўлган қисми қоплаб берилмоқда. Шунингдек, инглиз тилини билиш бўйича В2 ва ундан юқори даражадаги сертификатга эга бўлган ёшларнинг халқаро ИТ-сертификатлар олиш харажатларини тўлиқ қоплаб бериш тартиби жорий этилди.

Асосий мақсадимиз, соҳага замонавий инновацияларни, хорижий тажрибалар асосида замонавий услубларни жорий етиш, ёшлар ва хотин қизларнинг билим ҳамда кўникмаларини оширган ҳолда бандлигини таъминлашга кўмаклашишдан иборат.

Ўқув марказида ёшлар ўндан ортиқ йўналишдаги касбларга тайёрланиб келинмоқда. Ўтган давр мобайнида бу ерда 2 минг нафардан зиёд ёш айти соҳаси бўйича таълим олиб, махсус сертификатга эга бўлди. Қувонарлиси, биргина ўтган йилда таълим муассасасини битирган 300 нафардан ортиқ ёш халқаро таълим сертификатига эга бўлди.

Бугун кўриб турганимиздек, меҳнат бозори, иш берувчилар жуда талабчан. Биргина тил билишнинг ўзи етарли эмас. Айнан шунинг учун ҳам бизнинг таълим муассасамиз айти йўналишида халқаро CompTIA, Oracle, Juniper ташкилотлари билан ҳамкорликда битирувчиларига шу ташкилотларнинг халқаро миқёсда тан олинган сертификатларини беради.

Шу ўринда айтиш керакки, бугун ўзига муносиб, даромадли иш топаман, деган ҳар бир ёш учун бундай сертификатлар муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, бу соҳанинг маълум бир чегараси йўқ. Бундай сертификатга эга ёш Ўзбекистонда туриб ҳам хорижий мамлакатлар билан фрилансерлик асосида иш фаолияти олиб бориши мумкин.

Таълим академияси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги билан ҳамкорликда қатор хайрли ишларни амалга ошириб келмоқда. Жумладан, мактаб ўқувчиси ёки мактаб битирувчисими, камбағал оила реестрига кирган бўлса, бу ерда мутлақо бепул таълим олиши мумкин. Аҳамиятлиси, улар бу ерда бошланғич жараёндан бошлаб, то мутахассис даражасига етгунча тайёрланади. Шу билан бирга, ишсиз фуқаролар ҳам қисқа муддатли курсларда тайёрланиб, бандлик бўлимига юборилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, дунё мамлакатлари тажрибасида илмий тадқиқотлар, ИТ технологиялар, стартап ғоялар, компьютер саводхонлигига жуда катта эътибор берилди. Шундай экан, иқтисодий тараққиётга эришиш йўли фақатгина илм-фан ютуқлари ва янги технологиялар орқали бўлади.

Шоҳрух ЕРЖАНОВ,
“Тошкент таълим академияси” ўқув маркази раҳбари



ТАРИХНИ ИРИЛТИРГАН АРЖИМА


Алихонтўра Соғуний ва «Темур тузуклари» тақдири

Баъзан тарихни курол эмас, қалам қутқаради. Миллат хотирасига чанг тушган паллада эса биргина таржима ҳам бутун бир авлоднинг дунёқарашини ўзгартиришга қодир бўлади. Алихонтўра Соғуний амалга оширган «Темур тузуклари» таржимаси ана шундай тарихий ҳодисалардан бири эди.

У 1885 йил 21 мартда собиқ Туркистон ўлкасининг Тўқмоқ шаҳрида туғилган. Соғуний таҳаллуси туғилган шаҳрининг номи - Боласоғун билан боғлиқ. У киши аввалига Бухоро шаҳридаги «Мир Араб» мадрасасида, кейинчалик эса Мадинадаги дорулфунунлардан бирида таҳсил олган.

Алихонтўра Соғуний тарихни, айниқса, ислом тарихи ва Туркистон тарихини ўрганган ўткир зехли олим эди. Унинг «Тарихи Муҳаммадий», «Туркистон қайғуси» (1966-1973 йиллар орасида Тошкентда ёзилган), «Девони Соғуний» (шеърый тўплам), «Шифоул илал» («Хасталиклар давоси»), ва бошқалар. Бундан ташқари, у киши Аҳмад Донишнинг «Наводирул вақоъ», Дарвеш Али Чангийнинг «Муסיқа рисоласи», Херман Вамберининг «Бухоро ёки Мовароуннаҳр тарихи» ва «Темур тузуклари» каби асарларни таржима қилган. Олимнинг сийрат бобида «Тарихи Муҳаммадий» асари 1959 йилда ёзиб тугалланган. Лекин у муаллиф вафотидан кейин, яъни 1991 йилда (1997 йилда қайта) чоп этилган.

XX асрнинг ўрталарида Амир Темур номи атрофидаги баҳслар кўпинча сиёсий тус олган, унинг шахси бирёқлама талқин қилинаётган эди. Темур фақат босқинчи сифатида кўрсатилар, унинг давлатчилик тажрибаси, адолат ва тартиб ҳақидаги қарашлари сояда қоладди. Миллий ўзликни англашга эҳтиёж кучайган бир пайтда эса тарихга холис нигоҳ зарур эди. Алихонтўра



Соғуний шу миссияни жасорат билан уддалай олди. У «Темур тузуклари»ни форсчадан ўзбек тилига таржима қилди.

2025 йилда «Алихонтўра Соғуний» нашриётида чоп қилинган «Форсчадан Алихонтўра Соғуний таржимаси «Темур тузуклари»ни нашрга ҳозирловчи Қутлуғхон (Эдикут) Шокиров (31 июл 2021 йил, Истанбул.) шундай ёзади: «Шу вақтгача ўзбекча нашр этилган «Темур тузуклари» форсчадан Алихонтўра Соғуний ва Ҳабубулла Кароматов таржимасида, Бўрибой Аҳмедов таҳрири остида ўтган асрнинг 90 йилларида китобхонларга тақдим этилди. Аммо бу ерда диққатдан четда қолмаслиги керак бўлган бир хусус бор. Узоқ замонлар мобайнида эски тузум идеологияси сабабли Амир Темур шахси ҳақида фикр юритиш қатъиян ман этилганлигидан бу мавзу таҳликали ва ёпиқ эди. Ана шундай пайтда падаримиз катта жасорат кўрсатдилар ва 1960 йилнинг 9 июлида Тошкентда Соҳибқирон тузукла-

рини форсчадан она тилимизга ўгирдилар. Таниқли ўзбек ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор мазкур таржима асарни асл ҳолига келтирган деб баҳолаганди. Бу билан халқимизни ўзлигини танишга ундадилар. «Темур тузуклари»нинг ушбу таржимаси том маъноси билан илмий ва миллий шижоат обидасидир».

Алихонтўра Соғунийнинг «Темур тузуклари» асарини форсчадан таржимаси 1967 йилда «Гулистон» журналида чоп қила бошлайди. Аммо адолат юзага чиқаётганидан кўрққан ўша даврнинг айрим раҳбарлари асарни охиригача нашр қилишга қаршилик кўрсатади.

«Темур тузуклари» — бу фақат қонунлар мажмуаси эмас. Унда давлат бошқаруви фалсафаси, раҳбар масъулияти, адолат тамойили, интизом ва тартиб ҳақида чуқур фикрлар жамланган. Темур ўз давлатини қуришда қандай мезонларга таянгани, раҳбар ва фуқаро муносабатини қандай тасаввур қилгани айнан шу асарда ифода топган.

Соғуний таржимаси шу жиҳатдан тарихий адолатни тиклашга хизмат қилди. У матнни шунчаки сўзма-сўз ўгириб қўймади. Таржимада тарихий рух, давлатчилик оҳанги ва ахлоқий қатъият сақлаб қолинди. «Амир», «лашкар», «адолат», «инсоф» каби тушунчалар ўз мазмуни билан яшаб қолди. Бу эса асарни ўқувчига яқинлаштирди.

Таржима қилинган пайтда унинг ҳақиқий қадри тўлиқ англалмаган бўлиши мумкин. Аммо мустақиллик йилларига келиб, Темур мероси қайта баҳоланар экан, Соғунийнинг хизмати янада ёрқин намоён бўлди. Чунки халқ ўз тарихини асл манба орқали англаш имконига эга бўлди.

Бу ерда муҳим бир ҳақиқат бор: миллат ўз тарихини бошқалар талқини орқали эмас, ўз манбалари орқали англаши керак. «Темур тузуклари» таржимаси ана шу йўлдаги қадам бўлди.


Соғуний нафақат таржимон, балки маънавий кўприк қурган зиёли эди. У ўтмиш билан бугун ўртасида боғланиш яратди. Агар бу таржима бўлмаганида, балки Темур давлатчилиги ҳақидаги кўплаб фикрларимиз ҳам чала бўлармиди?

Бугун «Темур тузуклари» нафақат тарихчилар, балки сиёсатшунослар, ҳуқуқшунослар ва ёшлар учун ҳам ибрат манбаидир. Унда давлат раҳбарининг масъулияти, адолатнинг устуворлиги, интизомнинг аҳамияти ҳақидаги фикрлар ҳануз долзарб.

Амир Темур сиёсий мероси — давлатчилик мактаби. Унда куч ва адолат, тартиб ва маънавият, қатъият ва маслаҳат уйғунлашган.

Тарихни англаган миллатгина келажакни барпо эта олади. Темур ва Соғуний мероси эса бизга шуни эслатиб туради: давлат адолат билан мустаҳкам, маънавият билан барқарордир.

Б. ҚОДИРОВ,
Республика Маънавият ва
маърифат маркази ҳузуридаги
Ижтимоий-маънавий
тадқиқотлар институти бўлим
бошлиғи



БОҒ ЯРАТГАН ЭЛДА АЗИЗ



чуқурлиги 70 сантиметр, эни эса 60 сантиметр атрофида бўлиши лозим. Сўнгра озроқ маҳаллий ўғитлар тупроқка аралаштириб, бир челақ сув билан сифатли қилиб экилади. Энг муҳим, кўчат ўтказилгач, уни парваришсиз қолдирмаслик керак. Яъни бир ҳафтагача ҳар икки кунда, иккинчи ҳафтадан кейин эса 4-5 кун ичида тагига сув қўйиб туриш

лозим. Саратонда эса икки йилгача беш кунда ҳам бир марта, кейинга йилларда эса 15-20 кунда бир марта суғориш тавсия этилади. Бундай ишларни Икром Пардаев, Шарофат Максатова, Дилбар Саломова, Сайфиддин Мамиров, Иброҳим Максатов, Аъзам Курбонов, Икром Султонов, Алижон Курбонов сингари мохир боғбонлар адо этишмоқда. Уларнинг меҳнатлари таҳсинга арзийди.

Ориф ХОЛИҚУЛОВ,
“Жамият” мухбири

Сўлим баҳор шукуҳи ўзгача тус, янгича гўзаллик, ажиб бир тароват бахш этаётган шу кунларда кўчалар, боғлар, хиёбонлар тозаланмоқда, ариқлар қазилмоқда, боболаримиз анъанаси бўйича кўчатлар ўтказилаётир. Ораста, санамжон-саришта юртда файз-баракат бўлади, дейишади. Бу улуг ғояларни амалга ошириш юзасидан кейинги йилларда Самарқанд вилоятида таҳсинга созавор ишлар амалга оширилмоқда. Кўча ва хиёбонларининг гулзорга айлантирилиши, ҳар йили минг-минглаб туб турли дарахт кўчатларининг ўтказилиши кўплаб қишлоқ, гузар ва шаҳарларимиз чиройини тубдан ўзгартириб юборди. Улуг адибларимиздан бири “дарахтлар фалакдан тушадиган фалокатларни тўсиб қолғувчи мўъжиза қўллардир” деб ёзган эди. Чархин илмий-тажриба станцияси жамоаси ҳам кўкаламзорлаштириш, юртимизни боғу-роғларга буркашдек эзгу ишларга доимо камарбаста бўлиб келишмоқда.

Жамоа раҳбари Баҳодир Очилов билан айти кўклам мавсумида амалга оширилаётган ишлар, соҳада бажарилиши лозим бўлган юмушлар хусусида суҳбатлашдик.

— Айти кунда участкамизда 450 минг тубдан зиёд олма, ўрик, шафтоли, гилос, узум кўчатлари етиштирдик, — дейди у. — Келгуси йил учун экилган ёш ниҳоллар ҳам кўчатхонада меҳр билан парваришланмоқда. Хўжалик жами 35 гектар майдондан иборат бўлиб,

меваги ниҳоллардан ташқари манзарали кўчатлар ҳам етиштирилмоқда. Қрим ва элдор қарағайи, можжевельник, шарқ арчаси, кўк кипарис каби манзарали ва 10 дан зиёд меваги дарахт кўчатлари ҳам етиштирилаётир. Уларни етиштириш, айтиқса манзарали кўчатларни парваришлаш осон иш эмас. Биз дастлаб уларнинг уруғларини дарахтлардан авайлаб йиғиштириб оламиз. Сўнгра уни экишнинг агротехикасини қўллаган ҳолда кўчатхонадаги махсус чуқурчаларга сепамиз.

Уруғ униб чиққач, у икки йил мобайнида ушбу кўчатхонада парваришланади. Бу пайтда ҳар қандай нинабаргли кўчат 10-15 сантиметр ўсади, холос. Сўнгра уни кўчат етиштирувчи майдонга кўчириб ўтказамиз. Элдор, кўк кипарис, шарқ арчаси каби дарахт кўчатлари бу ерда 3-4 йил парваришланса, Қрим қарағайи ва можжевельниклар камида 8-9 йил мазкур кўчатхонада сақланиб, шундан кейингина жойларга экиш учун берилади. Умуман, битта кўчатни етиштириш учун хўжалигимизнинг ишчи-ҳодимлари қишин-ёзин тинимсиз меҳнат қилишади. Кўчатни экиш ва уни парвариш қилишнинг ҳам ўз тартиб-қоида, агротехикаси бор. Лекин кўпчилик бу қоидаларга риоя қилмайди. Аввало, нинабаргли кўчатлар жойидан кавлаб олингач, 24-26 соат ичида экилиши шарт. Уни ўтказаетганда илдизиди кўпроқ тупроқ бўлиши керак ва экилаётган жойнинг





Бола эдим. Ўн-ўн икки яшар пайтим. Оқ қора телевизоримизда концерт намоиш қилиняпти. Бахши қўлида тор, қайсидир бир дostonни айтяпти. У ёшда ҳали дostonу бахши нималигини ҳам билмайман. Барибир мен унинг торни маҳорат билан чалишига, қулоғимга сал нотанишроқ оҳанг ва хонишларга қарамай мириқиб томоша қиламан.

БАХШИ — ҲОФИЗ



Ўрганишлар шуни кўрсатадики, деярли ҳамма хонандалар кўшиқлари бир қолипда, давомийлиги 5-6 дақиқада ижро этилса, Шерали Жўраев яратган кўшиқлари улардан мўлроқ – 8, 9, 10 ва унданам кўпроқ минут ижро этилган. Бу кўшиқлар ёрдамчи изоҳларсиз, тоза ҳолида айтилганидаги ўлчов. Баъзан ана шу кўшиқларга, уларнинг баъзи бир бандларига изоҳ бериб, нима учун кўшиқнинг мана шу ерларига эътибор қаратиш кераклигини тушунтирган кўйи гапирганларини кўшиб ҳисоблаганда 15-17 дақиқада битта кўшиқ айтганига гувоҳ бўламиз. Бу эса ўз-ўзидан дostonчиликка, Ёдгор бахши, Бола бахшилар анъанасига ўхшаб кетади. Нима учун айнан ўша йўлмас, «ўхшаб кетади» дейилмокда? Чунки асос ўша йўл бўлса ҳам, Шерали Жўраев бу йўлга ҳам ёндош қилиб ўз йўлини, замонавий, ёшлар назарида эски дostonчиликдай “зерикарли” бўлмаган ўзига хос, бошқалар ҳаваси келадиган ўз ижодини ҳам кўшиб айтди. Ва мана шу танлови уни бошқалар – ҳам бахшилар, ҳам хонандалар сафидан олдинга олиб чиқди.

Бу йўналишининг илк кўринишлари анча йиллар илгари, дўстлар давраларида, ҳадди сифадиган яқинлари ҳузуридаги чиқишларида бошланган бўлса ҳам, “Карвон” кўшиғини тақдим қилаётганида асл шаклга кириб бўлган эди, дейишимиз мумкин. Яна ўша гап – Шерали Жўраев бу кўшиқни ҳам ҳеч қандай гап-сўз, изоҳу тушунтиришларсиз қуйласа ҳам одамларга ёқаверарди. Лекин озгина берилган шарҳ кўшиқ таъсир кучини жуда ошириб юборади, ҳофиз-бахши ўз кўзи билан кўрган жудолликни, севги ва севгилисидан ажралиш фожеасини чуқурроқ ҳис қилади. Унинг эшитувчилари ўша севиш ёшидагилар. Аҳду паймонида турмаганлар, ота ҳукмига бўйсуниб эрга тегиб кетганлар, ўқишга кетдим деб, шаҳарда уйланиб олганлар... саноксиз. Ва юраклардаги дарду ҳасратларнинг ҳам адоғи кўринмайди. Уч-тўрт гап билан тингловчилар қалбида ўша дардли оҳангларни чертиб олиб, сўнг кўшиққа ўтилса, ҳар қандай чидамли вужудлар ҳам ларзага келади...

Оғир ноталарда ҳорғин, мунгли куй бошланади. Беихтиёр чексиз ҳудудлар кўз олдингизга келади. Бепоён бенгликлар уфқи лоларанг... Ҳижрондан дарак келатгандай гўё...

Ҳофиз сўз бошлайди:

Бир замонлар кишиларнинг тўйларини ўтказиб юрадиган, до-

стонлар айтиб юрадиган бир бахши йигит бўлган экан. Ўша йигит тоғнинг у томонига ўтиб, бир одамнинг тўйини ўтказиб ўз юртига қайтиб келатса, тоғнинг бу томонида чўлдан келатган бир карвонга кўзи тушибди. Ва карвонбошини тўхта-тиб сўрай бошлабди: Бу туяларнинг устида қизлар доиралар чалиб, ашула айтишиб, йигитлар от ўйнатиб келишяпти. Қаёққа кетяпсизлар, дебди. Шунда карвонбоши йигитга жавоб қилибди:

“Биз фалон қишлоқдан фалончининг қизини келин қилиб тоғнинг у томонига олиб кетяпмиз, дебди. Шу пайт йигит билибдики, ўзи аҳду паймон қилган қизни ўша карвонда келин қилиб олиб кетишадиган экан. Йигит ва карвонбошининг савол-жавобини эшитиб, туянинг устида йиғлаб турган қизга қараб йигит шундай дебди:

“Пешонангга ёзганидан айрилма, ёр,

Жоним чиқар, кўшиқ айтсам қайрилма, ёр”...

Ҳофиз қуйлаб кетади:

Карвон кўрдим, уялари бўзлаб келар,

Нортуяда менинг ёрим музлаб келар.

Менга берган ваъдалари эсдан чиқиб,

Остонаси тилло юртни кўзлаб келар...

Бу бахшилик бўлмай нима? Дoston айтувчи бахшиларимиз неча асрлар мобайнида сақлаб келган ва ҳали-ҳамон яшаб келатган қадим ижрочилик анъанамизнинг замонавий, янгича кўриниши деб бемалол эътироф этиш мумкин. Шерали Жўраев “Богбон қизи” кўшиғи ижроси билан одатий хонанда сифатида танилган бўлса, мана шу “Карвон” кўшиғига ҳам бўлган машаққатли ижод йўлини босиб ўтар экан, у энди тўрт банд шеърни куйга солиб айтган хонандадан елкасига бутун дунё фалсафасини ортмоқлаган бахши, дostonчи, валийнафас ровий даражасига кўтарилди. Ривоятлари эса ўта таъсирчан қуйларга солинган, миллионлар қалбини тўлқинлантириб келган кишилик дардларининг гўзал ифодаси бўлиб айтган сўзларидир.

“Карвон”, “Ҳасадгўй инсон”, “Дўст бўлсанг ёнимда тур”, “Тўзиб кетма узоқларда” каби кўплаб кўшиқ ва ашулалари фикримизнинг ҳужжатли исботи бўла олади.

Муслимбек ЙЎЛДОШЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими,
сухандон

Бахши тугатиши билан суҳандон Насиба Қамбарова экранда пайдо бўлиб, нималарнидир ўқиб беради. Кейин яна бахши куйлашга ўтади. Шу тахлит, битта дostonдан иборат концерт тугайди. Аммо у менинг хотирамда умрбод сақланиб қолади. Чунки бу жанрга мен илк бор тўқнаш келган эдим...

Даврада Шерали Жўраев куйлашди. Кўшиққа кўшиқ улаб муҳлисларга тақдим қилипти. “Ўзбекистон Ватаним маним” ни айтяпти... Тўсатдан кўшиқни тўхта-тади, бир оз тин олиб, томошабин аудиторияси диққатини ўзига тортиб олиб, ҳофиз сўз бошлайди. Одамлар кўшиқ, ашула эшитгани келган, камгап бўлай демайди. Эҳтимоли бор норозиликлардан чўчимай гапиришга ўтади.

“Бундан минг йил муқаддам, Абу Райҳон Беруний деган бобомиз ўтган. Бир қанча илмларни эгаллаган бу аллома аждодимиз мана шу заминда ўтириб, шу қуруқликдан сўнг қатта сув, унинг узоқ ортида эса яна қуруқлик ер борлигини айтади. Камига уларнинг юриш-туришлари урф – одатларига тахминан айтиб беради. Ўша замонларда Американи кашф этган, биз билган Христофор Колумбнинг момосининг момосининг момосининг момоси ҳам туғилмаган экан...”

Ушбу нутқи давомида созандалар ансамбли битта аккордни ушлаб туради. У аккорд ҳам асло тасодифий эмас, балки неча қайта ишланган, созандалар томонидан ҳам тасдиқланган, киши ҳаёлотини олис-олисларга олиб қочиб кетувчи самовий оҳанглардан иборат аккорд ноталари...

Америка сеҳрли диёр,
ухлар эди Колумб ҳам ҳали,
Денгиз ортин ёритди илк бор
Берунийнинг ақл машғали.

Бу ерда ҳофиз шунчаки куйга солинган сўзларни айтмайди, балки минг йиллардан бери шу ҳақиқатни англаб ўтиб кетган аждодлар армонини буюк ҳайқирик қилиб дод

солади. Тингловчи ўзича кўшиқдан йироқлашиб, ўз ҳаёлотини тўлқинларида сузиб кетади: Агар бу Шарқнинг, хусусан Туронзаминнинг ҳукмдорлари ақлли, узоқни кўзловчи, илм-маърифат кучига астойдил ишонган бўлганларидаю, Берунийга ўнта кема, озуқа, қуруқ-яроғ, синашта денгизчилардан иборат жамоа тузиб берганларида, “Сен, Абу Райҳон, бор, дунёларни кез, сайру саёҳат қил, ўша ўзинг талмовсираб бор деб турган янги ерларни оч, кашф эт! Бола-чақанг, аҳволи оилангдан ҳавотир бўлма ва юртингга наф келтиришга куч топ!” деб шароит яратиб берганида ўша Америка бугун Беруния, Райҳония, ана борингки, Ғазнавия деб аталармиди... Бутун дунё бошқа либос ва рангинликда бўлармиди бугун...

Шу саҳналарда анъанавий ўзбек кўшиқчилиги тарафдорлари, муҳлислару мутахассислар “Нима кераги бор шу гапларни, бу Шерали ақл ўргатмасдан ашуласини айтиб кетаверса нима бўларкин...” деганлари бор гап. Шерали Жўраевнинг кўшиқ орасида мана шу каби ваъзалари (ақл ўргатгандай кўринган) ғашларига теккани, буни ўзаро суҳбатлардаю ёзма ишларида ҳам қайд этганлар бўлган. Аммо, Шерали Жўраевни Шерали Жўраев қилган ери ҳам ўзи айнан шунда-да! У бу онларда асло ақллилик қилмокчи бўлмаган! Қалбидаги армонини, ўша Американинг эгаси бўлиши мумкину аммо бўлолмагани аламини томошабин-тингловчи ҳам бирдай ҳис қилсин, бирдай алам чексин учун шоир мисралари олдида муҳлис фикратини бир “ки-тиқлаб” қўйган. Шунчаки янги бир кўшиқ эшитдик эмас, “кўрдингми, ашуласида нима деганини, алашим бор деди” деса, унга жавобан ше-риги: “Ўша алашим борни қандай айтди а, ҳайқирғи, овози кучи ўша Ғазнавийгача етиб борди...” деб бошини сарак-сарак қилганини бемалол кўз ўнгингизга келтиришингиз мумкин.



МУАССИСЛАР:

Экология ва иқлим
ўзгариши миллий
қўмитаси

Ўзбекистон
маҳаллалари
уюшмаси

Ўзбекистон
Нодавлат нотижорат
ташкilotлари миллий
ассоциацияси

Тадбиркорлар ва
ишбилармонлар
ҳаракати – Ўзбекистон
Либерал-демократик
партияси

Тахрир хайъати:

Азиз АБДУҲАКИМОВ
Қаҳрамон ҚУРАНБОЕВ
Акмал САИДОВ
Ақтам ҲАЙИТОВ
Камолиддин
ИШАНХОДЖАЕВ
Отабек ҲУСАНОВ

Бош муҳаррир
Максуд
ЖОНИХОНОВ

“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.

Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-310
Адади: 2505
Пайшанба куни чиқади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 2 босма табоқ.
Баҳоси келишилган нархда.

2024 йил 2 августда
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 0010-рақам билан
рўйхатдан ўтказилган.
ISSN 2010-7722

Боғланиш учун
телефонлар:
99-994-70-52
98-111-48-29
Электрон почта:
jamiyat@umail.uz
Газета индекси – 131
“ЖАМИЯТ” дан олинган
маълумотларда манба
сифатида газета номи
кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти: 20:00
1 2 3 4 5 6

- Ёшим
72 да. Асли
Кони-мехлик-
ман. Яқинда
бир воқеа
сабаб, ўтган
умримга назар
ташлашни
лозим топдим,
ёш эмасман...
лекин бу
ишларга
асосий айбдор
ўзим эканли-
гимни ич-
ичим-дан ҳис
қияпман.

«КЎРГУЛИКЛАРГА ЎЗИМ САБАБЧИМАН...»

Уч марта уч томонга (ҳар хил туманлар) турмушга чикдим, биринчи турмушимдан иккита, иккинчи турмушимдан иккита фарзандларим бор, лекин вақтида уларни ташлаб кетганман, меҳр бермаганман. Учинчи эримдан фарзанд бўлмади. Эримни том босиб қолиб, дунёдан ўтиб қолди. Ана шундан кейин кўргуликларим бошланди.

Уй-жойим хароб, соғлигим яхши эмас, яшаш имконияти бўлмагандан кейин, маҳалладагилар гаплашиб, катта қизимни уйига олиб боришди. Бирга яшаш учун. Билмадим, нимага умид қилгандим – қизим болалар уйида катта бўлган, оила меҳр нима эканлигини билмай ўсган. Оиласи, фарзандлари, эри бўлишига қарамасдан, ичкиликка муккасидан кетган, «алкаш» экан. Ўзимнинг айбларим кўринмайдию, лекин аёл кишининг ичиб маст бўлгани жуда хунук кўринаркан. Уй-рўзғори бир ахволда, топиш-тутишлари ҳам жа унчаликмас, болалари тарбиясиз, эр-хотин топганини аввало арокқа сарфлашади, шундан ортса, рўзғорига. Оч қолдим, ётиб қолдим, ўз қизимдан калтак едим, тепки едим, эшитмаган ҳақоратиму, камситишлар қолмади, ҳисоб. Ўғлим эса мен ҳақимда эшитишни ҳам истамасди, кўришга кўзи йўқ экан...

Кўзингдан нур, белингдан кувват кетганида барибир хомсут эмган банда кимлардандир, яхшилик кутаркан, гарчи ўзинг яхши инсон бўлмасангди.

Жанжаллардан элу юртга шарман-

да бўлдик, қизимга, фарзандларимга насихат қилувчилар кўп бўлди, лекин қизимнинг менга нисбатан муносабати совуқлашса, совуқлашдики, заррача ўзимга мойилликни ҳис қилмадим. Улар уятни ҳам билишмас экан. (Гапиряпману, ўзим ҳам вақтида ҳеч кимдан уялмаганман, яқинларимнинг гапига кирмаганман, фақат ўзимнинг кўнглим хушлиги учун яшаган эканман)

Айни кунда Навоий шаҳридаги Реабилитация марказидаман. Бу ерда менга яхши қарашапти, лекин узоқ қоллолмайман, 2 ойга рухсат беришаркан, қонда бўйича. Нима ҳам қилардим, пешонам шўр экан-да. Бугун ҳаммасидан афсус қиламан, лекин фойдаси йўқ...» поезд аллақачон кетиб бўлган! Вақтида кўп пул топардим, соғ-саломат эдим, унча-мунчасини назар-писанд қилмасдим. Фақат янги эрга тегишни, униси бўлмаса, бунисига сакраб юришни одат қилгандим. Давру-даврон жуда тез ўтаркан. Бугун ҳеч кимга керагим йўқ, яқинларим ҳам йўқ...Афсусдан эса фойда бормикан?

Марказдагиларнинг айтишича, мени шундоқ кўчага қўйиб юборишмайди, гуноҳкор бўлсам ҳам тирик жонман. «Мурувват уйи»га жўнатишаркан. Шунақа гаплар...» Нима эканг, шунини ўрасан» дейишади. Ҳақ гап экан. Ҳосилни ўрадиган вақт келди, эканганимни ўряпман... Яна қанча умрим бор билмайман, лекин надоматда ўтишим аниқ.»



Нима дедингиз?! Онахонга ачина-сизми ё уни айблайсизми? Мухими, бу эмас. Асосийси, бу Инсоннинг тақдири кўпчиликка ибрат бўлгулик. Фарзандларга меҳр бериш керак! Оддийгина меҳр, эътибор! Инсон бу дунёда фақат ўзи учун яшамайдику...

Гулчеҳра БЕРДИЁРОВА





Ватан

Дил пораси, кўз қораси
сен ўзингдирсан,

Менинг кўнглим сен аслида,
сен кўзимдирсан.

Томиримда томир ёйган
илк сўзимдирсан,

Илк оғриғим, илк ёмғирим,
найсоним, Ватан.

Қир устида ёнбошлаган
бобом чайласи

Бу дунёда кимларнингдир
орзу-ҳаваси.

Димоғимда – юлдуз иси,
шабнамлар иси,

Момом экиб кетган кашнич,
райҳоним, Ватан.

Қулоқ солсам шивирлагай
хатто тошларинг,

Ою қуёш, камалаклар
кўзу қошларинг.

Бешигимни тебратгандир
қалдирғочларинг,

Ою қуёш кўрпа солган
айвоним, Ватан.

Бўронлари тулпорларга
тунлар ёл бўлган,

Бир ўғлони чинор, бири
мажнунтол бўлган.

Темурлари от минганда
жаҳон лол бўлган,

Дунёларга тимсол
шоҳу султоним, Ватан.

Валилардан ибрат сўйлар
жулдур саҳролар,

Сўнди қанча салтанатлар,
қанча туғролар.

Макбаралар айтсин лекин,
айтсин Зухролар:

Ер остидан суҳбат айлар
хануз Кубролар,

Термизийлар бедор ётган
қўрғоним, Ватан.

Эй дунёга Берунийни
берган маконим,

Ибн Синоларни туккан
қутлуғ замоним.

Улуғбексан, уйғотолган
рўйи жаҳоним,

Навоийсан, Ер юзида
мангу қолғоним.

Ер юзига етган илму
ирфоним, Ватан.

Не тонг эди – изғиринлар
захрини тотдинг,

Дастурхонда музтар қолди
қанду наботинг.

Шаҳидларинг номларидир
ҳар бир работинг,

Абадий ёд эрур асли
адабиётинг,

Чўлпон, Фитрат, Қодирий ҳам
Усмоним, Ватан.

Гард кўнмасин токи сенинг
киприкларингга,

Киприкларим киприк қилай
кўприкларингга.

Ўхшаб турган улуғларинг
ҳам пирларингга

Булутларинг юзиб юрар
кўк, қирларингга,

Уйғоқ руҳлар осмонида
посбоним, Ватан.

Накшларинг қутулдилар
кишан-бандлардан,

Хатлар олдим юрагимга
Накшбандлардан,

Афросиёб билан тенгдош
куй, оҳанглардан.

Шеърларимга ранглар олдим
Самарқандлардан,

Гоҳи мовий, гоҳи зангор
достоним, Ватан.

Боболарим хокини мен
юзларга суртай,

Дилимдаги энг муқаддас
сўзларга суртай,

Онамдайин азиз нону
тузларга суртай.

Озод бўлган оятларин
кўзларга суртай,



**Сирожиддин САЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири**

Ўз юртига қайтиб келган
Қуръоним, Ватан.

Мен дунёни не деб айтай?
Бу бир кўҳна боғ,

Ўз билганин сайрар бунда
ҳар қумри, ҳар зоғ.

Асло сенинг бағирларинг
кўрмайин мен доғ,

Юлдузларга осмон бўлган
эй нурли тупроқ,

Осмонлари еру ери
осмоним, Ватан.

Сўқмоғингда мен бир эпки
ё бир насимман,

Япроқ сенинг, хас бўлсам гар
сенинг хасингман.

Жайронларинг кўзларида
қолар сўзингман,

Менинг борим сен биландир,
йўғим сен билан,

Катта йўлга чиққан улуғ
қарвоним, Ватан.

1994, 2007, 2025